

## **ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА ҲИНД ФАЛСАФАСИ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Раматов Ж.С.**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири  
Тел: +99899 848 45 95

**Элдор Тухтабоев**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

**Ҳасанов М.**

Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Фалсафий тафаккур ривожидида ҳинд фалсафаси таълимотларнинг ўрни мавзусидаги мақоламизда 17 -18 асрларда Ҳиндистондаги сиёсий – ижтимоий вазиятни очиб берган. Шу билан бирга бу замин учун курашган сиёсий фаолларнинг йўллари ва ватан учун унинг мустақиллиги ҳамда сиёсий қарамликдан қутулиш усуллари ҳам кўрсатиб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** Урбанизациялашув, заминдорлар, табақа, витса – қирол, Гопал Кришна, Карамчанд Ганди, мўтадил ҳаракат идеал шахс.*

### **ABSTRACT**

*In our article on the role of Indian philosophical teachings in the development of philosophical thinking, he revealed the political and social situation in India in the 17th-18th centuries. At the same time, the ways of political activists fighting for this land and its independence for the homeland, as well as ways to get rid of political dependence are shown.*

***Keywords:** Urbanization, landowners, class, vice - king, Gopal Krishna, Karamchand Gandhi, moderate movement ideal person.*

### **КИРИШ**

Ҳиндистон кўп асрлик тарих эга буюк давлатлардан биридир. Лекин ХХ аср бу давлат тарихида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтган давр ҳисобланади. Айнан шу вақт Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлган киритган муваффақиятли давр деб билсак, шу билан бир вақтда ҳукуматда катта юқотишлар асри деб ҳам айтишимиз мумкин сабаби, Покистон ва Бангладеш давлатлари ҳам айнан шу

даврда Ҳиндистондан ажралиб алоҳида давлат сифатида дунё харитасидан жой олган даврдир. Ҳиндистон бу вақтда дунёнинг қолоқ давлатларидан бири эди. “Бу давргача давлатни ижтимоӣ, сиёсий ва иқтисодий муаммолар қийнаб келди: аҳолининг қашшоқлишиб бориши, турли хил эпидимияларнинг тарқалдиши шундоқ ҳам қийн бўлган халқни баттар қийинчилик гирдобига киргизиб аҳолининг катта қисмининг ўлимига сабаб бўлди. Уртача умр ёши пасайиб кетиб йигирма уч ёшни ташкил этди, Бу ишларнинг асосий сабаби давлатнинг мустамлакалиги эди”<sup>1</sup>. “Ўша пайтларда Ҳиндистон аҳолисининг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан келадиган манба бўлиб, инглизлар ҳинд қишлоқ хўжалигидан 3 та турли хил солиқ олган”<sup>2</sup>.

“Биринчи солиқ тури: бу доимий олинадиган ер солиғи бўлиб асосан заминдор ер эгаларидан XVIII аср охирида олинган ва ижара ҳаққи 90 % ни ташкил қилган.

Иккинчи солиқ тури: XIX аср охирида вақтинчалик заминдорларга жорий қилинган. Бунга кўра бу солиқ тури ар 20-40 йилда қайта кўриб чиқилган бўлиб антиқа тарзда алмашиш бўлган яъни, йирик заминдорларнинг ерлари олиниб, кичик ер эгаларига бўлиб берилган.

Учунчи солиқ тури: Бу солиқ тури “Раятвари” деб номланиб 1850 йилларда Мадрас ва Бомбей регионларида жорий қилинган”<sup>3</sup>. У фақат Иккинчи солиқ туридан фарқли улароқ кичик заминдорларга берилган. Уларни Раятамлар деб аташган бўлиб, уларнинг ерлари давлат томонидан ҳимояланганлиги сабабли катта ер эгалари уларни мулкани тортиб олишлари мумкин бўлмаган. Лекин улар давлат томонидан берилаган ерларни ўзлари ишлагандан ижарага бериб фойда олишган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳиндистонда бу даврларда қишлоқ аҳолисининг жуда катта қисми ўзининг давлат томонидан берилган фермирлик ҳуқуқига эга эмас эди. Қишлоқ аҳолиси асосан катта мулк эгаларига иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб арзимаган пул эвазига ишлар, айримлари катта қарзга кириб йирик табақа вакилларига оилавий қулга ҳам айланиб қолган эди. Айрим маълумотларга қараганда бундай қарздор ёки ижарага ишлайдиган оилалар 1901 йиллар атрофида 50 миллиондан ортиқни ташкил қилган.

<sup>1</sup> Ш.Пўлатов. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоӣ – сиёсий вазият. Acadimec research in educational sciences. Vol 1. Issue 4.2020. 469-474 b

<sup>2</sup> W.Durant. The Case for India. Simon and Schuster. New York, 1930, p.56

<sup>3</sup> Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 33 С

Инглиз ҳукумати томонидан ташкил қилинган бундай солиқ тизими аслида Ҳиндистондан ерларидан катта миқдорда фойда олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш учун мулжалланган. Бундан ташқари инглизлар ер солиғини мунтазам равишда кўтариб борган. XX асрнинг биринчи ярмида қишлоқ ерларидан олинадиган солиқ уларнинг даромадларининг атига 4 % ни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам улар капиталистик ер эгалигига қизиқмаган ва улар одатий яъни анъанавий ер эгалигидан воз кечишни хохламаган.

XX асрнинг 1 ярмида маҳаллий ҳинд заминдорлари ҳали кичик мулкларга эгалик қилишлари сабаб, улари жуда заиф эди шу сабабли улар инглизлар капитали ва ҳукумат буюртмаларига қараб иш юритар ва уларнинг асосий молиявий захираси мана шундай буюртмалар ташкил қилар эди. Мулкдорлар фақат битта кастадан иборат бўлмасдан бир неча табақалардан ташкил топган: улар Парси, Марвари, Гужарат, Мучулмон ва Хожалардан иборат бўлган. Улар асосан ўз иш фаолиятини Ҳиндистоннинг саноат жиҳатдан йирик шаҳарлари бўлмиш Бомбей ва Калкуттада олиб борган. “Урбанизациялашуви жиҳатидан юқори бўлган бу шаҳарлар кўпгина ишчи кучи ва товар ҳажмининг хариди катталиги сабабли ҳам кўп ишлаб чиқарувчилар ўз бизнсларини шу ерда ташкил қилган. Бундай ишлаб чиқарувчилар 5 миллионга яқин хизматчиларни иш билан таъминлаш қувватига эга бўлган”<sup>4</sup>. Лекин шу билан бирга кўп ишчилар иш ҳаққининг камлигидан ва ўз вақтида берилмаслигидан норози бўлишган. Бундан ташқари улар кунига 13 соатга яқин иш олиб борганлиги сабабли иш жуда оғир кечган. Ишчиларнинг кўпчилиги асосан қишлоқ жойларидан келиб ишлаган, шароитларнинг йўқлиги уларнинг охир – оқибат қишлоқларига қайтиб кетишига сабаб бўлган. Энг ёмони ишчилар ўртасида мунтазам равишда низоларнинг келиб чиқиши ва ихтилофлар пайдо бўлиши уларнинг кўп ҳолларда бирлашишига тўсқинлик қилган. Ишчиларнинг асосий низолари табақалар яъни касталар ўртасида юзага келган. Барчамизга маълумки Ҳиндистон ўлкасида халқнинг қадимдан табақага бўлиниши уларнинг кўп соҳаларда ривожланишига тўсқинлик келган.

Ишчиларнинг мунтазам равишда иш билан банд бўлиши ва тўғилган фарзандларни ҳам оила тирикчилигига кўмакчи сифатида жалб қилиниши уларни таълимдан йироқлаштириб юборган ва натижада Ҳиндистонда саводсизлик даражаси 94 % ни ташкил этган. “Саводлийлик даражаси эса 6 фоиздан иборат бўлган, яъни аҳоли сонига қараб оладиган бўлсак ўн саккиз

<sup>4</sup> А.И.Левковский., Особенности развития капитализма в Индии, 42. С.

миллион киши. Шу 18 миллионнинг атига 500 минг кишигина хорижда саводини чиқариб, инглизлар таълимини олган”<sup>5</sup>. Мана шу даврларда пайдо бўлган ўрта қатлам аҳолиси асосан: савдогарлар, банкирлар, ҳукумат амалдорлари, мактаб ва коллеж ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, адвокат ва судьялардан ташкил топган. Қолган барча қатлам вакиллари паст табақа ҳисобланган. Жамиятда ақлий меҳнат қилувчилар ва жисмоний меҳнат қилувчилар гуруҳи мавжуд бўлган, бу гуруҳлар асосан касталар орқали ажратилган. Хусусан юқори кастадагиларнинг асосий вазифаси яъни ижтимоий муҳитдаги қиладиган иши ақлий меҳнатдан иборат бўлган, паст кастадаги гуруҳлар эса жамиятнинг барча оғир ишларини бажариб келган. Бундай қараш ҳинд жамиятида ҳозирда сақланиб қолмоқда. Бирор бир демократик жамиятда бундай ҳолатни кўрмайсиз лекин Ҳиндистонда демократия, партияларнинг сайловларининг демократик руҳда ўтиши ва барча сиёсий жараёнлар ошкоралик тамоилига асосан амалга ошириладиган давлатда инсонларни ажратилиши ҳаттоки паст табақадагилар ўз хўжайинларини маъбудлардек кўриши кишини лол қолдиради. Юқорида таъкидлаганимиздек олий табақа ишчиларининг кўпчилиги инглиз таълимини олган кишилар бўлган. Айнан 1857 – 1859 йилларда Ҳиндистонда бўлган катта кўзғалонда инглиз ҳукумати томонидан Британияда таълим олган кадрларларни юқори лавозимларга тайинлаш масаласи кўтарилган. Британлар худди шу йўл билан ҳиндларнинг юқори табақа вакиллари инглизларнинг кўзи ва қулоғига айлантириб ўз йўлига юргизишни мақсад қилади. Шу йўлда улар 1857 йилда Ҳиндистонда бирданига инглиз тилида ўқитиладиган учта университет ташкил қилади: бу университетлар Бомбейда, Калкуттада ва Мадрасда очилади.

“Ҳиндистон эмпириясининг маъмурий тизими мустақил давлат бўлиб, ҳукумат, армия, давлат аппарати, молия органларидан иборат бўлган. Аммо бошқарув ишларини Англиядан туриб Ҳиндистон ва Бирма ишлари бўйича вазир бошқариб турган. Шунингдек, деярли чексиз ҳокимиятга эга бўлган ва Буюк Британия қиролининг вакили сифатида витса – қирол унвонига эга бўлган Ҳиндистон генерал – губернаторини тайинлаган эди. Амалдорлар корпуси деярли тўлиқ инглизлардан ташкил топган”<sup>6</sup>.

XX аср энг аввало ҳинд халқининг мустамлакачи мамлакат Англия давлатига қарши миллий озодлик ҳаракати олиб борган давр сифатида тарих

<sup>5</sup> Sh.N.Pulatov Sankhya – ancient Indian philosophical school. // Pustak bharti research journal// Jan – June. Issue Toronto, Canada. No: 1-2, 2020.

<sup>6</sup> Ш.Н.Пўлатов. XIX аср охири XX бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий - сиёсий вазият. ARES journal. Volumi 1. ISSUE 4. 2020

саҳифасига кирди. Аҳолининг қашшоқлиги, бутун халқнинг саводсизлиги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммолар давлат олдида турган улкан муаммолардан бири эди. Бундан ташқари миллий озодлик курашининг ҳақ – ҳуқуқлари чегараланган Британия конституциявий қонун – қоидалар турар эди. Миллий озодлик курашининг мўтадил ҳаракат аъзоларидан кўзга кўрингани Гопал Кришна эди. Бу ҳаракат асосан ҳинд зиёлиларари орасида катта муваффақият қозонди. 1920 йилда яъна бир озодлик ҳаракати Моҳандас Карамчанд Ганди томонидан ташкил қилинган ишчилар ва деҳқонлар гуруҳ эди.

Озодлик кураши асосан бутун миллат иштирокида куч ишлатмаслик ва бировга озор бермаслик тамойиллари остида бўлиб ўтди. Кураш кетаётган бир пайтда озодлик ҳаракати аъзоларининг ўртасида ҳам тушунмовчиликлар юзага кела бошлади. Бир томондан ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасида зиддиятлар шаклланаётган бўлса, яъна бир томондан касталар ўртасидаги тафовутлар юзага чиқа бошлади, улар ўз ижтимоий табақалари учун ҳукуматдан ва жамиятдан кенг имкониятлар қидира бошлади. Бундай келишмовчиликлардан мустамлакачи маъмурлар жуда усталик билан фойдаланиб гуруҳларнинг бирлашишига қарши тўғаноқ бўлиб турди.

Маҳатма Ганди раҳбарлигидаги гуруҳ Британия ҳукуматига қарши мурасасиз жанг қилишдан йироқда туриб, улар билан келишиш сиёсати билан юрди. Бу сиёсат ортида юқорида таъкидлаганимиздек бировга кул кутармасдан тинчлик йўли билан мустақилликка эришиш эди ва бу кураш 1947 йилга қадар давом этди. “Озодлик ҳаракати курашчиларининг саъйи ҳаракатлари туфайли шу йил яъни 1947 йил 15 августда Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлга киритди. Лекин Британия ҳукумати ўз – ўзидан мустамлака давлатга озодлик бермади. У ўзидан кейин Ҳиндистон ҳукуматига диний мурасасизлик, ижтимоий табақалар ўртасидаги зиддиятлар каби бир қанча муаммоларни ташлаб кетди”<sup>7</sup>. Ҳиндистон ўз мустақиллиги қўлга киритиши билан бирга икки давлатга бўлиниб кетди. Булар ҳиндлар яшайдиган Ҳиндистон ва мусулмонлар истиқомат қиладиган Покистон давлатлари бўлди. Бу зиддиятлар иккала давлатга ҳам кўплаб қурбонлар олиб келди. Кўпгина олимлар, сиёсатчилар томонидан бундан бошқа чорасини топиш мумкин эдими деган савол ўртага ташланади. Балки бор эди, балки йўқ лекин шуни аниқ эдики Британия ҳукумати ўз мустамлакасидан ҳеч қачон тинчгина чиқиб кетмас эди сабаби, бу давлат ўзининг мустамлака давлатларига “бўлиб ташлаб ҳукмронлик қил”

<sup>7</sup> Л.Б.Алаев. История Востока. Т 5.:Восток в новейшее время 1914 – 1945 г. 307 – 3011.С.

деган шиор билан сиёсат олиб борар эди. Бундан билиш мумкинки Ҳиндистон давлатини бошига шунақа ғавғолар тушиши аниқ эди.

Ҳукумат катта йўқотишлар билан бирга бошқа давлатлар мустақиллиги учун бошқарувчи вазифасини ҳам бажарди. Осиё, Жанубий Амирека ва бошқа минтақаларда вазият бутунлай ўзгарди. Қарам ва мустамлака давлатлар мустақиллика эришиш мумкинлиги тўғрисида бош қотира бошлади.

“Мустақилликдан сўнг жамият ҳаётини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий томонлама ўзгартириш учун Конгрессда турли хил гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Шулардан бири либераллар ёки мўтадиллар гуруҳи эди. Бу гуруҳ аъзолари Гопал Кришна, Ферузшоҳ Меҳта, Дадабхаи Наорожи ва Суриндранат Банержилардан иборат эди. Улар ҳукуматни давлатдан динни ажратган ҳолда бошқариш ва ғарб маданиятини ҳамда таълимини сақлаб қолган ҳолда ҳинд таълимини яратишга ҳаракат қилди”<sup>8</sup>. Бир томондан олганда уларнинг бу ислохатлари яхши эди сабаби, Европа таълим тизими ХХ асрлардан бошлаб энг кучли тизимга кириб бўлган эди. Уларнинг олдига тушадиган бошқа таълим тизимлари мавжуд эмас эди. Ҳатто ўша даврда дунёнинг икки қутбидан бирини ташкил этувчи СССР таълим системасининг ҳам тағ замерида Европа таълими ётар эди. Шу сабабли мўтадиллар буни ёқлаб чиқишди.

Гхош замондошлари бўлмиш Тилак, Чандра Пал, Ражпат Рай каби машҳур инқилобчилар Ҳиндистонни иложи борича Европа маданияти ва таълим тарбиясидан узоқроқ тутишга ҳаракат қилиб ҳинд таълимига киритишга қарши чиқади, уларга Бенгалиядаги тасаввуф мактаблари Ария ва Самаж озодлик гуруҳлари ҳам қушилишади. Улар Мўтадиллар гуруҳидан ташқари иккинчи “Миллатчилар” гуруҳи бўлишди.

Гхош иккала гуруҳ фикрларини ҳам қўллаб қувватлаб қадимги ҳинд маданияти ва диний урф – одатларига Европа таълимини жорий этишни таклиф қилган. Бу фикрларининг яъни ғоясини исботи улароқ ўзининг миллий таълим концепциясини яратади. Унда юқорида келтирилган барча фикрларини аниқ равон тушунтириб ўтади.

Миллатчилар гуруҳини “экстремистлар” деб ҳам аташарди. Аслида бў сўз ҳинд тилида “гарам” (गरम) яъни (иссиқ) яъни мўтадиллардан юмшоқроқ деган маъноларни билдирган. “Экстремистлар либералларни ҳинд диёрини Ғарб ахлоқи орқали бошқармоқчилигини қаттиқ танқид остига олиб, оммага уларни ғояларини фойдасиз дея ўқтиришга ҳаракат қилди. Хусусан миллатчилар

<sup>8</sup> Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 36. С.

(экстремистлар) гуруҳи аъзоларидан бири Чандра Пал ўз очеркларига мўтадиллар ўзларини ўзлари доим ёмонлашини, гуруҳ ичида бирдамлик йўқлигини, оддий кичик бир гуруҳни бирлаштираолмаган сиёсатчилар бутун бир миллатни жипстира олмаслигини ёзади”<sup>9</sup>. Бундан ташқари миллатчилар ҳиндларни доимо ўзининг маданияти, урф – одатлари ва турмуш тарзи билан фахрланишга чорловчи чиқишлари билан миллатни уйғотишга ҳаракат қилишган. Хусусан тарихчи Шанкар Гошнинг сўзларига кўра улар яъни миллатчилар диндан динамид сифатида фойдаланди. Уларнинг фикрига қараганда агар, халқ мўтадилларга эргашса жамиятда диний тартиб қоидалар йўқолади, диний ахлоқий жиҳатлар улади, миллат маънан хароб бўлиб ғарб маданияти тобе бўлиб қолишини таъкидлайди. Холбуки минглаб йиллар диний - ахлоқий қонун – қоидаларга барпо бўлган оилавий ришталар таъсирида катта бўлган халқ буни ҳеч қачон ёқламас эди. Шунинг учун ҳам тарихчи динни динамед сифатида тарифлаб бу ерда ўринли қўллаган. Бу йўл билан халқни кўтариш охир – оқибат мўтадиллар гуруҳини қўлловчилар ўртасида жиддий курашга сабабчи бўлиб қолдилар. Бундан ташқари ғарбча таълим тарбия олган ҳинд зиёлиларига ҳам миллат душмани сифатида қарай бошлади.

## **ХУЛОСА**

Миллатчи ҳинд ватанпарварлари Ҳиндистоннинг энг буюк маънавий намуналарига балки, тарихий шахсларнинг катта катта жасоратларини ўрнатган сифатида тарғиб қилганлар. Шундай тарихий шахсларга мурожаат қилганлардан бири Тилак бўлди. У Жанубий Ҳиндистонда ташкил топган Маратҳа давлатининг асосчиси Шиважи номини улуғлаб, бу давлат тарихий маданиятига катта ҳисса қўшган олимлардан бири айланиб улгурди. Бу гуруҳ аъзолар эса бундай тарихни олқишлаб, Англия ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатларга танқидий баҳо бера бошлади. Улардан бири сиёсатчи ва инқилобчи Винаяк Дамодар Саваркардир, сиёсатчи 1857 – 1859 йиллардаги “Сепой кўзғалони” воқеаларига дахлдор бўлган мустамлака армиянинг аскарлари ҳамдир. Кўпчилик Ҳиндистонликлар бу ғалаённи ҳозир ҳам “ёлланма ҳиндларнинг кўзғалони” деб ҳам аташади. Саваркар ўзининг китобида бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаб “Ҳиндистоннинг биринчи мустақиллик уруши” деган сарлавҳа билан чоп қилди. Бу кўзғалон кўпгина миллатчи ватанпарварларга катта умид бағишлади чунки ғалаён шунчалик кенг қамровли эдики, баъзилар буни мустақиллик уруши нафақат инглизлар сиёсий

<sup>9</sup> В.Я.Белокреницкий., В.Н.Москаленко., История Пакистан. XX век. М.:ИВРАН, Крафт, 2008. – С. 27.

хукмронлигига қарши балки бутун мустамлакачиликка қарши қаратилган уруш сифатида қаралди. Жавахерлал Неру ўз битикларида “бу шунчалик уруш эмас, бу ҳиндларнинг мустақиллик учун жон берган халқ кузғалони эди”<sup>10</sup> деб ёзади.

Ҳиндистонда Ғарб таълимини олиб кириш, ғарбча ғояларнинг кенг тарқалишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан ҳинд маданиятига христиан миссеонерларининг фаолияти билан ҳиндиузмнинг янгича кўриниши шакллана бошлади. Ҳиндиузмнинг янгича кўринишдаги шаклланиш ҳиндларга ватанпарварлик ва инглиз ҳукуматига қарши курашнинг кучайишига сабаб бўлди.

### REFERENCES

1. Ш.Пўлатов. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий – сиёсий вазият. Acadimes research in educational sciences. Vol 1. Issue 4.2020. 469-474 б
2. W.Durant. The Case for India. Simon and Schuster. New York, 1930, p.56
3. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 33 С
4. А.И.Левковский., Особенности развития капитализма в Индии, 42. С.
5. Sh.N.Pulatov Sankhya – ancient Indian philosophical school. // Pustak bharti research journal// Jan – June. Issue Toronto, Canada. No: 1-2, 2020.
6. Б.Алаев. История Востока. Т 5.:Восток в новейшее время 1914 – 1945 г. 307 – 3011.С.
7. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 36. С.
8. В.Я.Белокреницкий., В.Н.Москаленко., История Пакистан. XX век. М.:ИВРАН, Крафт, 2008. – С. 27.
9. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М. Н., & Шукуов, Ж. Қ. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙ НИГОҲИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 976-979.

<sup>10</sup> В.Бхатия Джавахерлал Неру и становление индийско – советских отношений 1917 – 1947. М.: “Мысль”, 1989. – С. 49